



From national revival to national rise

Dilerbek ABIDOV¹

Economics and Pedagogical University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 25 July 2023
Available online
15 August 2023

Keywords:

spiritual renewal of society,
reforms,
innovative outreach
programs,
new outlook,
the Third Renaissance.

ABSTRACT

At present, when we unite to achieve the great goal of “From National Revival to National Uplift” and start a new era of development, the priorities adopted along this path should become the real basis of the New Renaissance of New Uzbekistan. It is no secret that in the era of globalization, inter-regional struggle and competition in the world political arena is intensifying. Some countries try to subordinate other countries to their sphere of influence for socio-political purposes, to curb their freedom and independence, especially the roots of social thinking and development. We all know that they are mobilizing a lot of energy and money to achieve continental hegemony under wild labels and empty ideological pretensions. In this article, we will focus on it.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp157-162>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

Kalit soʻzlar:

жамиятнинг маънавий
янгиликларини,
ислохотлар,
инновацион тарғибот
дастурлари,
янги дунёқараш,
Учинчи Ренессанс.

ANNOTATSIYA

Ҳозирда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган улуғвор мақсад йўлида бирлашиб, янги тараққиёт даврини бошлар эканмиз, бу йўлда қабул қилинаётган устувор вазифалар Янги Ўзбекистоннинг Янги Ренессансига чинакам пойдевор бўлмоғи лозим. Сир эмас, ҳозирда глобаллашув даврида жаҳон сиёсий майдонида минтақалараро кураш ва рақобат кескин тус олмоқда. Бир неча давлатлар ижтимоий-сиёсий мақсадларни кўзлаб, бошқа мамлакатларни ўз таъсир доирасига олиб, озодлик ва мустақиллигини тизгинлаш, айниқса, жамият тафаккури ва тараққиёт илдизларини қўпоришга уринмоқда. Бу йўлда ёввойи ёрликлар, ғоявий пуч даъволар остида ҳаттоки қитъа гегемонлигига эришмоқ учун жуда катта куч, маблағ

¹ Deputy Dean, Economics and Pedagogical University. Karshi, Uzbekistan

сафарбар этаётгани барчамизга маълум. Ушбу мақолада шу ҳақда тўхталиб ўтамиз.

От национального возрождения к национальному подъему

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

духовное обновление общества, реформы, инновационные просветительские программы, новое мировоззрение, Третий Ренессанс.

В настоящее время, когда мы объединяемся для достижения великой цели «От национального возрождения к национальному подъему» и начинаем новую эру развития, приоритеты, принятые на этом пути, должны стать реальной основой Нового Ренессанса Нового Узбекистана. Не секрет, что в эпоху глобализации обостряется межрегиональная борьба и конкуренция на мировой политической арене. Некоторые страны пытаются подчинить другие страны своей сфере влияния в социально-политических целях, обуздать их свободу и независимость, особенно корни общественного мышления и развития. Всем нам известно, что они мобилизуют много энергии и денег для достижения континентальной гегемонии под дикими ярлыками и пустыми идеологическими претензиями. В данной статье мы сосредоточимся на этом.

Шундай оғир ва мураккаб даврда миллий ўзлигига эга бўлмаган, маънавий ҳамжиҳат бўлмаган мамлакат аввало, моддий ва маънавий бойликларини, аста-секин мустақиллигини ҳам бой бериб кўйиши турган гап.

Мана шуларни эътиборга олиб, маънан енгилмас, жисмонан бақувват, қадриятларимизга содиқ, ўз соғлом фикрига эга баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий инновацион тарғибот дастурларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат”, деб айтиб ўтади.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ албатта, лекин бундаги зарурат инсон салоҳиятининг ифодасидир. Инсон салоҳияти – маънавий салоҳият бўлиб, бу маънавий янгиланиш жараёнининг асосий омили ҳисобланади. Маънавий салоҳият инсоннинг ахлоқи, дунёқараши, маънавий қадриятлари, маънавий танлови ва идеаллари, ҳаётга муносабати асосида шаклланган ҳодиса сифатида инсон фаолиятнинг самарасини белгилайди.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий тараққиёт қонуниятлари негизига ҳам

боғлиқ, албатта. Маънавий янгиланиш қуйидаги омилларга ҳам боғлиқ деб ҳисоблаймиз;

Биринчидан, амалга оширилаётган ислоҳотлар мукамал ғоя бўлиб жамиятнинг орзу-умидларини ифодаловчи мафкурага айланган тақдирдагина, амалиётда фаолият турига айланади. Яъни ҳар қайси ислоҳот, агар замон ва макон ўзгаришлари билан ҳамоҳанг ривожланмаса, янгиланмаса у тараққий топа олмайди. Давлат янги-янги ғояларни олға сурсаю, жамият уни идрок этмаса ва рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмаса ёки аксинча, жамият янги ўзгаришлар тарафдори бўлса-ю, лекин давлат, сиёсат уни таъминлаб бермаса, ижтимоий мутаносибликлар ва зиддиятлар вужудга келишига сабаб бўлади. Ҳар икки омил биргаликда сайқалланса, уйғунлашса бундай янгиланишлар ортга қайтмас умуммиллий халқ иродасига айланади. Табиийки, бу жараёнларда иккиланишлар, адашишлар, тўпланган тажриба ва баъзида маълум ижтимоий низолар ҳам бўлиши мумкин. Буни амалда рўёбга чиқариш ва таъминлашга эришиш эса ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган.

Иккинчидан, ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий соҳаларда миқдорий, меъёрий, таркибий ҳолатнинг ўзгариши натижасида сифат кўрсаткичларнинг вужудга келиши билан белгиланади. Лекин кўрсаткичларнинг ўзгаришлари ҳам ривожланишни таъминламаслиги мумкин. Бизга уларнинг ўзгариши эмас, жамиятимизнинг орзу-умидларини, мақсадларини ифода этувчи янгиланиш керак. Бу эса, Янги Ўзбекистон стратегиясида ўз ифодасини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда ҳали ҳам мустабид тузуми сарқит асоратларининг мавжудлиги ривожланишимизга кўндаланг муаммоларни қўймоқда. Миллатимизнинг ҳар бир фуқароси жамиятимизнинг маънавий янгиланиш чақириқларига лаббай деб жавоб бермас экан, буни фақат сиёсий ислоҳотлар билан рўёбга чиқариш жуда оғир жараён бўлади. Ўз навбатида, қонуниятлар ҳам халқ манфаатини кўзлаб юксалиш сари йўналтирилмаса, бу турғун тарихий жараёнларни такрорлайди холос.

Узоқ йиллик тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш борасида Президентимиз ташаббуси билан бошланган янгиланиш сиёсати бошқарувни янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ҳаракатга келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхонаси”га биргина 2017 йилда 1 млн. 500 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани, бу ижтимоий “яра”нинг нечоғлик даражада катта бўлганлигидан далолат беради.

Тўртинчидан, мамлакат ҳаётини модернизация қилиш мақсадида давлат ва жамият бошқарув тизимларини янада такомиллаштириш зарур. Ҳаттоки мактабгача таълим муассасаси раҳбаридан тортиб энг юқори лавозимларгача бошқарувнинг шаффоф ва самарали механизмларининг жорий этиш, бу баъзида айрим гуруҳ ва коррупционерларнинг манфаатларига қанчалик тескари бўлмасин, ортга қарамай, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш орқали юксалиш сари олға қадам босилади.

Бешинчидан, Президент томонидан амалга оширилаётган халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқарувчи вазифаларнинг катта босимини ёки маънавий ўзгаришларни сингдира олмаётган тизимнинг янгиланиш жараёни оғир

кечаётганида, бошқа томондан, шу вазифалар моҳиятини англайдиган электоратнинг оқсаб қолаётганлигида.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг эълон қилинишдан асосий мақсад, мамлакатимиздаги бири иккинчисига боғлиқ бўлган соҳаларни бирваракайига ривожлантириш, уларга замонавий шакл ва янги импульс бериш, ижтимоий жараёнлар қарвонидан ортда қолаётган эҳтиёжларни қондириш мақсади билан гавдаланади. Ҳар бир бошқарув соҳасида ташкил қилувчи, “арава”ни етакловчи, ижро этувчи қисмлар мавжуд бўлади. Бу механизм бир вақтда тўғри ишламас экан натижа биз кутгандек бўлмайди. Мазкур механизм салоҳиятли, янгиланиш фалсафаси билан яшовчи кадрларни танлаш билан уйғунликка келади. Бугунги глобаллашув шароитида мазкур уч тизимнинг бирида эскилик ва турғунлик бўлса ҳам маънавий янгиланишлар кутилган натижани бермайди. Шунинг учун бугунга жамият фақатгина буйруқни бажарувчиларни эмас, “инновацион-архитектор”ларни ва креатив қиёфаларни талаб қилмоқда.

Олтинчидан, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳияти жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, бунёдкорлик, яратувчанлик ва инновацион ташаббусларини рағбатлантириш кабиларда акс этаётганини эътироф этиш лозим.

“Сўз ва матбуот эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати”, “қонун устуворлиги”, “жиноят учун жазонинг муқаррарлиги”, “одил судлов”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “гендер тенглиги”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “тадбиркорларнинг ҳуқуқий кафолати” сингари демократик тушунчалар ва тамойиллар реал воқеликка айланди. Лекин, **одамлар билан мулоқот қуриш, эҳтиёжларига тезкор жавоб бериш замонавий услубиятга айланган биринчи етакчининг фаолият мезонлари қуйи раҳбарларнинг янги иш услубига айланишида ҳали ҳам етарлича муаммолар мавжуддир.**

Еттинчидан, пандемия инқирози ўз кўламида 2008 йилдаги жаҳон молиявий инқирозидан анча оғирроқ ва талофатлироқ келганлиги барчага маълум. Пандемия сабаб кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш соҳалари “инсулт” ҳолатига келиб қолди. Аҳоли орасида руҳий ва маънавий саросималик натижасида, жиноятчилик ортиб кетди, одамлар ваҳимага тушиб қолди.

Бу шароит Ўзбекистон иқтисодий ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатгани рост. Лекин, халқимиз бу синовли кунлардан ҳам жипслашиб, бир-бирларига ижтимоий кўмак бериб уюшқоқ ва ирода билан енгиб ўтди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, “Бизнинг энг асосий ютуғимиз-қўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиласизга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир”.

Албатта, синовли кунларда барча нарса давлат раҳбарининг сиёсий иродасига боғлиқ бўлади. Йиллар давомида кўз юмиб келинган жамиятнинг оғриқли нуқтаси камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш ҳам Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистоннинг асосий стратегияларидан биридир (кейинги бобларда тўлиқ баён қилинади).

Саккизинчидан, ислохотлар кўлами кенгайиб, йиллар давомида тўпланиб келган ички ва ташқи муаммолар ўз ечимини топмоқда. **Масалан**, 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби тавсия этилиши, 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имкониятининг яратилиши янги сиёсатнинг инсонпарвар фалсафасини белгилайди. Келгуси йилдан 2005 йилгача мамлакатга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш кўзда тутилиши йиллар давомида аҳолининг армонига айланиб келаётган орзулари ушалишидир.

Яна шундай оғриқли нуқталардан бири, бу — Ўзбекистонда мажбурий меҳнат масаласи эди. Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Тошкентни доимий танқид остига олиб келган. Ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари ва талабалар томонидан ихтиёрий мажбурий меҳнатдан фойдаланиш пахта далаларида, ҳам кўчаларни тозалаш ва ободонлаштириш ишларига мунтазам равишда жалб этилиб келинган. Ажабланарлиси шундаки, ўзбек пахтаси дунёдаги етакчи кийим ишлаб чиқарувчиларнинг қора рўйхатига киритилган эди. Аммо бу борадаги ижобий ўзгаришлар натижасида 2018 йил сентябрь ойида Қўшма Штатлар ўзбек пахтасини болалар меҳнати эвазига ишлаб чиқарилган товарлар рўйхатидан чиқариб ташлади. Айни пайтда, бу борада қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатлар тез орада ўз самарасини берди.

Миллат учун мураккаб ва масъулиятли дамларда жамият ривожини белгилаб беришга қодир “меъмор”ларнинг ҳамда янгиланиш ва юксалишга дахлдор ғояларнинг вужудга келишини даврнинг ўзи тақозо этади ва бундай қонуният тарихда ўз исботини топган. Бундай уйғунлик жамиятда ижтимоий тараққиётни англаш, сиёсий ислохотларни белгилаш, шунга мос йўл-йўриқ танлаш, унинг даъватларига мутаносиб ислохотларни белгилаш, энг муҳими муштарак миллий манфаатларни шакллантира олиш каби тараққиётнинг ортга қайтмас қонуниятларини вужудга келтиради.

Ватандан ташқарида фаолият юритаётган ҳамюртларимиз муаммоларини тан олиш, уларни тизимли ҳал қилишга бўлган уринишлар сўзсиз давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан боғлиқ. Хорижий консулхоналар сонининг ошиши ва ишлаш тизимининг тубдан ўзгариши ватандошларимиз томонидан ҳам эътироф қилинмоқда. Эндиликда хориждаги дипломатик ваколатхоналар “бажарилган” ишларнинг қуруқ ҳисоботини марказга тақдим этиш билан эмас, балки ўзига бириктирилган вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Экспертлар хулосасига кўра, ислохотчилик имижига Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг сиёсий тизимини ислох қилиш ва очиқ ташқи сиёсат асосларини вужудга келтириш орқали эришди. Эркин-иқтисодий ҳудудларни очиш, солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва мамлакатда бюрократия билан боғлиқ муаммоларни камайтириш орқали ҳукумат хорижий сармоядорларни жалб қилишда сиёсий етакчининг узоққа қаратилган мақсадларида намоён бўлди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўз прагматизми ва сиёсий реализми билан муросасиз, аммо ички қонуниятларга боғланган, баъзан сиёсатчилар ҳазм қила олмайдиган, назарий қолипларга сиғмайдиган ўз таълимоти билан янгиланиш даври концепциясини вужудга келтирди. Ташкил этилаётган бошқарувнинг янги тизимлари аслида жамият ва

фуқароларнинг мавжуд ижтимоий шароитлари тақозоси юзасидан келиб чиқаётганлигини эътироф этиш лозим. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари янги ёндашувларни талаб қилади. Давлат ислохотларида ана шу қонуниятларга амал қилиш ривожланишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода, давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, унинг мустақил мурватларини ташкил этиш борасида ҳали-ҳамон ўз ечимини кутиб келаётган вазифалар кўп. Албатта, қисқа давр ичида халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ муаммоларнинг барчасини бирдан ҳал этиш мушкул иш. Аммо масала ечимига жавоб излаш ва тинимсиз ҳаракатда бўлиш улкан саъй-ҳаракат, ташаббускорлик, билим ва тажрибани талаб қилади. Энг муҳими, бугунги кунда юртимиздаги жадаллик билан юз бераётган ривожланишлар халқнинг маънавий-руҳий эҳтиёжига айланиб, ортга қайтмас ҳаракатга айланиб бормоқда. Асосийси, шу аснода одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда. Энди улар ҳамма нарсага кўр-кўрона ишонадиган, ким нима деса, орқасидан эргашиб кетаверадиган, ҳаётнинг паст-у баланди, ишнинг фойдаю зарарини билмайдиган, олиб келса – ейдиганлар хилдан эмас. Аксинча, улар ҳар бир нарсани ақл тарозисида ўлчаб кўрадиган, ўзининг, юртининг манфаатлари уйғунлигини англаган ҳолда, давлат ва ҳокимият органлари билан шерикчилик қиладиган, уларнинг фаолиятини онгли равишда кузатиб борадиган, ўз ҳаётининг бунёдкори бўлган фуқаровий позициясига эга фуқаролардир. Шу маънода, мамлакатимиздаги ислоҳий вазифалар кўлами илмий-назарий ҳисоб-китоблари олинганда, бугун юз йиллик, кечаги бой берилган даврнинг вазифалари юкланаётганга ўхшайди.

Табиат бағрида табиий қайта тикланиш қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, инсон ирсиятида ҳам эврилиш, таназзул ва яна қайта тикланиш, юксалиш жараёнлари ҳам кечади. Давлат идоралари халқига хизмат қилса, ислохотлар ташаббускори халқ бўлса, янгиланаётган миллатнинг орзу-истаклари рўёбга чиқишига ишонамиз.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь.-Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, НМИУ, 2018.-Б.79.
2. Ш.М.Мирзиёев, Янги Ўзбекистон Стратегияси. “Ўзбекистон” 2021 йил 303-бет.
3. Г.Умурова, (2021). Шеърятда эстетик идеал ва эстетик идрок масаласи. Иностранная филология: язык, литература, образование, (2 (79)), 913.
4. Салоксиддинов, М. (2021). Тобе уюшиқ компонент ўрнида келган темпораллик. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(78), 149-153.
5. Ибаев, А. (2021). Comparative syntactic devices as an object of language study. Общество и инновации, 2(8/S), 153-159.